



1956 йилда шахсга сигиниш фош килингач, катагон килинган кўпгина одамлар окланди. Улар каторида атокли адиб Абдулла Кодирий хам бор эди. Орадан кўп ўтмай, унинг "Ўткан кунлар" ва "Мехробдан чаён" романлари кайта нашр килинди. Кейин одатдагидек романларга такризлар битилди, адиб тўгрисида маколалар эълон килинди, китоблар ёзилди, диссертациялар химоя килинди. Ишлар бир маромда кетаётганида бир масала кўндаланг бўлди-ю, унинг атрофида киз-гин баҳс кўзголди — Абдулла Кодирий романлари кайси ижодий метод асосида ёзилган? Уларни социалистик реализм методига мансуб деб бўладими? Савол калтис эди — чунки "йўк" деб жавоб берса, якиндагина окланиб, душманлик белгиларидан халос бўлиб келаётган адибни тўлаконли совет ёзувчилари каторига киритиб бўлмай коларди. "Ха" деб жавоб берса, романларда социалистик реализм белгиларини топиш амри маҳол. Ўшанда айрим адабиётшуносар тузукрок далил-исботсиз Абдулла Кодирий асарларини социалистик реализм намунаси деб эълон килдилар-да, шу билан баҳсга чек кўйилди. Чек кўйилди-ю, лекин, барibir масала хал бўлмай колаверди. Бу, албатта, зўрма-зўраки хукм эди — ўшандан кейин бирорта адабиётшунос бу муаммони кайта кўзгагани йўк.

Аслида эса, тузукрок ўйлаб кўрилса, "Ўткан кунлар" хам, "Мехробдан чаён" хам ва хатто "Обид кетмон" хам жадид адабиётига мансуб асарлар деган хulosага келиш мумкин эди. Аммо шўро замонида бундай хulosага келинса хам уни ошкора айтиб бўлмас эди, ошкора айтган одам балога колар эди, чунки бундай хulosaga хукмон мафкура ақидалариға мутлако зид бўларди, бинобарин, унинг яшашга хаки йўк эди.

Маълумки, шўролар замонида хамма нарсага коммунистик мафкура кўзи билан караларди. Ижтимоий фанлар хам шу мафкура чилдирмасига ўйнашга мажбур эдилар — бу соҳадаги тадқикотлар холислик ва хакконийликдан маҳрум бўлиб, хукмон мафкура "пролетар манфаатидан келиб чикиб" яратган колипларни тасдиклашга хизмат килмоги лозим эди.

Жадидлар масаласида хам ана шундай гайри илмий ва ўта субъектив концепция мавжуд эди. Унга кўра жадидлар миллий буржуазия манфаатларига хизмат килган реакцион оқим бўлган. Инкилобдан кейин улар уч гурухга бўлиниб кетган. Большевикларнинг марказий органи бўлмиш "Коммунист" журналида (1928 йил 10-сон) "Октябрь хам жадидлар" деган макола эълон килган М.Гиёсов бу гурухларни куйидагича белгилайди:

- 1) тугал аксил харакатчилик лагерида колувчилар;
- 2) эски маслакларидан кайтиб, фирмка ва шўроларга кириб ишлаб кетувчи сўллар;
- 3) бетараф колувчилар — буларнинг кўплари эски жадид муаллимлари бўлиб, булар шўролар хукуматининг мустахкамланганини кўрган сари унга якинлашадирлар.

Бу таснифдан кўриниб турибдики, Шўро хокимияти йилларида, айникса, 20-йилларда маориф ва маданият соҳасида жадидлар фаолият кўрсатишда давом этганлар. Аммо бу

гал хам ўзларининг ақидалариға содик колганлар, яъни уларнинг гапи бошка, иши бошка — бир-бирига зид бўлган. Большевиклар айрим жадидларнинг шўролар томонига ўтганини оғизда тан олсалар-да, амалда уларнинг хаммасига ашаддий душман сифатида муносабатда бўлганлар. Натижада 20-йилларнинг бошиданок уларни кескин коралай бошлаганлар. "Синфий кураш" жаддини олган большевиклар уларга карши "даханаки" жанг билан чекланмай, 20-йилларнинг ўрталаридан жадидларга карши репрессив тадбирларни кўллашга киришганлар. Бу кураш 30-йилларда хам шундай шиддат билан давом этди ва 40-йилларга келиб жадидларнинг деярли хаммасини жисмонан махв этиш билан якунланди. Аммо бундан кейин хам жадидлар хакида илик гап айтиш имкони бўлмади. Аксинча, авваллари бирда-ярим маколаларда жадидларнинг маърифатпарварлик соҳасида жиндай ижобий роль ўйнагани хакида ўкиш мумкин эди. 60-йиллардан кейин эса улар факат кора бўёкларда тилга олинди.

Шундай килиб хукмрон мафкура ўзбек совет адабиётининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўгрисидаги концепцияни ишлаб чиқди. Бу концепцияга кўра янги адабиёт Октябрь инкилоби билан бирга тугилган; у биринчи кадамлариданок "Яша, Шуро!" деб хайкирган, большевикларнинг хамма ишини кўллаб-кувватлаган, коммунизм ишига сидкидилдан хизмат килган. Бу адабиёт, табиийки, мафкуравий соглом бўлган, хар кандай ёт мафкураларга карши курашган ва шак-шубҳасиз биринчи кадамлариданок социалистик реализм адабиёти сифатида кўринган. Албатта, бундай адабиёт сафида жадидларга хам, жадидчilik гояларига хам ўрин йўқ эди.

Афсуски, биз ўзбек адабиётшунослари кўп йиллар мобайнида шу ёлгон "хакикат"га ишониб яшадик. Ишондиккина эмас, уни фаол тарғиб килиб, халкни хам шунга ишонтиришга уриндик. Холбуки, хакикий ахвол бутунлай бошкача эди. Аслини олганда, "совет адабиёти" деб аталмиш адабиёт Октябрь тўнтаришининг эртасига ёки дастлабки ойларда ёк бирдан пайдо бўлиб колган эмас — бунинг учун хаётда реал асос ёхуд бирор ишончли замин йўқ эди. Тўгри, айрим тадқиқотчилар Ўзбекистонда 1905 йилдан кейинок инкилобий адабиёт шакллана бошлаганини таъкидлашади, бирок бу фикрнинг исботи учун келтириладиган фактлар моҳият эътибори билан жадид адабиётининг намуналариdir. Аслини олганда эса ўзбек совет адабиёти 20-йилларнинг ўрталаридангина — Гайратий, Гафур Гулом, Ойбек, Боту, Миртемир, Шокир Сулаймон каби ижодкорларнинг майдонга чикиши билан бөглиқ тарзда шакллана бошлаган. Тўгри, ундан аввал Октябрни кутлаган, шўроларни мадҳ этган айрим шеърлар, маршлар, газаллар ёхуд бошка жанрлардаги айрим асарлар бўлган. Бирок улар бадиий савияси гоятда ночор бўлиши билан бирга сон жихатдан хам кам бўлган. Шунинг учун улар бирлашиб, яхлит бир адабиётни ташкил этадиган кувватга эга бўлган эмас.

Амалда эса 20-йилларда жадид адабиёти яхлит адабиёт сифатида фаолият кўрсатган. Колаверса, бу адабиёт ўзининг аср бошидаги 20 йиллик ривожланиш тажрибасига таянган холда тараккиётининг янги боскичига кўтарилган, хам шаклан, хам мазмунан барка-моллик касб этган ва миллатнинг маънавий хаётида жуда чукур из колдирган. Бинобарин, кейинчалик, яъни 30-йилларда айрим "марксист" адабиётшуносларнинг "жадидлар бирор салмокка эга бўлган адабиётларини яратса олмай тарих сахнидан гойиб бўлдилар" деган даъволари хам мутлако асоссиз бўлиб чиқади. Куйи-рокда буни биз конкрет далиллар билан исботлашга харакат киламиз.

Хозир эса шуни таъкидлаш жоизки, Октябрь тўнтарилишидан кейинги дастлабки кунлариданок Мунаввар кори Абдурашидхонов, Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Хамза Ҳакимзода, Садриддин Айний, Сидкий Ажзий,

Сидкий Хондайликий, Тавалло ва бошка кўплаб атокли жадидлар Октябрь инкилобига кандай муносабатда эканликларидан катъи назар маданият ва маориф соҳасидаги самарали фаолиятларини давом эттирганлар. 20-йилларнинг биринчи ярмида улар ўнлаб янги мактаблар очадилар, бу мактаблар учун турли-туман кўлланмалар ва дарсликлар яратадилар, нашриётлар ташкил киладилар, газета ва журналлар нашр этадилар, театр санъатини ривожлантириш борасида жонбозлик кўрсатадилар, турли-туман маърифий-маданий тўгараклар уюстирадилар. Албатта, зиёлиларнинг бундай фаолияти мутлако большевикларнинг рагбатига сазовор бўлган эмас, аксинча, улар жадидларнинг хар бир кадамини синчиклаб кузатишган, тўгараклар ва жамиятлар ишини таъкиб остига олишган, нашр ишлари устидан каттиқ назорат ўрнатишган.

Абдурауф Фитрат "Чигатой гурунги"нинг айрим мажлислари куролли кизил гвардиячиларнинг назорати остида ўтганини ёзади. Ёхуд Заки Валиди хотираларида 20-йилларнинг бошида зиёлилар устидан каттиқ назорат ўрнатилгани важидан Бухорода Чўлпон билан учраша олмаганини эслайди. Аммо бундай таъкиб ва тазийклар жадидларни фаолиятдан тўхтата олмайди — улар матонат билан ишларини давом эттириб, 20-йиллардаёк маориф ва маданият соҳасида анча салмоқли ютукларга эришганлар.

Энди бевосита жадид адабиётига ўтадиган бўлсак, унинг кўзга яккол ташланадиган биринчи хусусияти шундаки, у инкилобдан кейин бирданига кўп жанрли адабиёт тарзида ривожлана бошлади — жадид ёзувчилари шеъриятида хам, драматургияда хам, насрда хам, публицистикада хам бирдай муваффакият билан калам тебратди. Мана, масалан, публицистикани олайлик. Айтиш керакки, публицистика умуман ўзбек адабиёти учун батамом янги жанр бўлиб, унинг илк намуналари ўзбек матбуотида 1900 йилдан кейингина пайдо бўлган эди. Лекин бу соҳадаги тажрибаларнинг гоят камбагаллигига карамай, янги ўзбек публицистикаси 20-йилларнинг бошида ўз ривожининг энг юксак чўккиларига кўтарилди. Бу даврий публицистиканинг ўсиши, биринчи навбатда, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон номлари билан бөглиқ. Улар вактли матбуотда ўнлаб маколалар эълон килдилар ва уларда бенихоя ўткир эхтирос билан, сўнмас бир жўшкинлик билан миллат хаётининг энг муҳим масалаларини кўтариб чикдилар. Бу масала, албатта, биринчи навбатда миллий озодлик масаласи эди. Фитрат кўп маколаларида халкнинг миллий онгини уйготишни истайди, унга ўзлигини танитмокни орзу килади. Шу ниятда у бевосита миллатга мурожаат килади, унинг ўтмиши буюклиги хакида гапиради ва бу миллий кадриятлардан ифтихор килиш лозимлигини уқтиради. Буларнинг бари 18—19 йилларда ёзилганини, яъни хали Кўкон жароҳатлари эскимай туриб, унинг фожиалари хира тортмай туриб ёзилганини хисобга олсанк уларнинг киммати янада ортади. Бунга амин бўлмок учун биргина кичик парча келтиришнинг ўзи кифоя. Фитрат 1917 йилда "Хуррият" газетасида 5 декабрда эълон килинган "Мухторият" деган маколасида ёзади:

"Эллик йилдан бери эзилдик, тахкир этилдик, кўлимиз bogланди, тилимиз кесилди, оғзимиз конланди, еrimiz босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурилди, номусимиз гасб килинди, хукукимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёклар остига олинди, тўзимлик турдик, сабр этдик, кучга таянган хар бир буйрукка бўйсундик, бутун борлигимизни кўлдан бердик. Ёлгиз бир фикрни бермадик, ялинтирдик, имонларимизни авайлаб сакладик:

"Туркистон мухторияти!"

Накадар эхтиросли, оташин мисралар! Унда ярим асрлик мустамлака даврининг тарихи

хам, бу даврда тортилган алам-изтироблар хам, халк кудратига ишонч хам ман деб кўриниб турибди!

Жадид публицистикасининг ривожини яна шу факт билан тасдиклаш мумкинки, инкилобдан аввал унда кўтарилиган масалалар фактат миллатнинг ички хаёти билангина чегараланиб колганди, энди эса тематика кенгаяди, мазмун чукурлашади, муаллифлар дадиллик билан халкаро сиёсий хаёт ходисаларига мурожаат кила бошлайдилар. Бирок бунда хам улар ўзларининг бош максадларини унутмайдилар — "улуг" давлатларнинг шовинистик сиёсатларини фош килиб, мустамлакачи-ликни кескин рад килиш йўлидан борадилар. Бу жихатдан яна Фитрат фаолияти диккатга сазовор — у бу йилларда "Инглиз ўйинлари" ("Хуррият", 1918 йил 64-сон), "Инглиз ва Туркистон" ("Хуррият", 1918 йил 82-сон), "Афғонистон ишлари" ("Иштирокиён, 1919 йил 30 апрель), "Афғон ва инглиз сулҳи" ("Иштиро-қиён", 1919 йил 23 сентябрь), "Шарқ сиёсати" ("Иштирокиён" 1919 йил 25—26 сентябрь) каби маколаларини эълон килдики, уларда империалистик кучларнинг мустамлакачилик сиёсатларини кескин фош килди. Масалан, "Шарқ сиёсати" маколасида ёзади:

"Уларнинг тилаклари бизга маданият бериб, бизда маориф таркатиш, бизни тараккий эттириш эмас, турли фохишаоналар, майхоналар очиб, бизнинг ахлокимизни бузмок, бизнинг соглигимизни хароб этмок ва уругимизни куритиб, бизни ишдан чикармок ва кўлларига муҳтож килиб кўймокдир. Улар шарқ халкини бутун йўқ килиб, Шарқни ўзларига моя килмокчи эрурлар".

Бу парча хеч кандай изохга муҳтож эмас — унинг салмоги ва теранлиги бугун хам яккол кўриниб турибди.

Чўлпон хам ўзининг 20-йиллардаги публицистикасида ички муаммолар хакида ёзиш билан бирга, халкаро долзарб сиёсий мавзуларда хам калам тебратиб, мустамлакачилик сиёсатини фош килишга катта хисса кўшди. Факат унинг ўзига хослиги шунда эдики, у Фитратга ўхшаб умуман Шарқ хакида эмас, балки муайян мамлакатлар, муайян халкларнинг кураши хакида ёзди, жумладан, унинг 20-йиллардаги анча-мунча маколаси бевосита турк халкининг миллий озодлик харакатига багишлиланган. Чўлпон туркларнинг чет эллик боскинчиларга карши кураши хакида ёзар экан, унинг "истиклол эрларига" самимий мухаббати хар бир сатрдан мана ман деб кўриниб турди.

Жадидларнинг ана шу ва шуларга ўхшаш яна бош-ка ўнлаб публицистик асарлари ўша кезларда ўзбек халкининг миллий онгини уйготишда катта роль ўйнади ва унинг калбида миллий ифтихор туйгуларини жўш урдирди.

20-йиллар бошидаги жадид публицистикасининг мухим жихатларидан бири шундаки, у жадид адабиётининг мазмуни янгиланиб бораётганидан далолат беради. Масалан, аввалги даврларда асарлар мавзуининг торлиги сезиларди, кўп холларда бевосита тасвир ўрнини дидактизм, курук насиҳат эгалларди, айтилмокчи бўлган фикрни китобхоннинг оғзига чайнаб солиб кўйишга интилиш кучли эди. Энди бўлса, улар камаяди, бадиият кучаяди ва мазмундаги хаётийлик янги боскичга кўтарилади.

Бу хусусият нафакат публицистикада, айникса янги жадид шеъриятида хам яккол кўзга ташланади. Тўгри, 20-йилларда хам айрим шеърларда асрий уйкудан уйгонишга, янги тонг хаволаридан тўйиб нафас олишга чакирик мавжуд. Масалан, Садриддин Айний шеърларида биз шу холни кўришимиз мумкин:

Бахор келди, ётма, тур,
Эшит, бу саслари надир!
Бахор кумлари ўкир
Бахорнинг хаволари.
("Мехнаткашлар товуши", 1919, 22 март)

Ёхуд шу 1919 йилда ёзилган "Турон марши" шеърида шоирнинг анъанавий тарзда Туронни уйгонишга чорлаганини кўрамиз:

Уйгон! Турон эли, уйгон!
Тўлкинланди бутун жаҳон!
Бошқалашди бутун даврон,
Бошка даврон, бошка замон!
Ухлама, юр, сайра жаҳон!
Ётасанми, жохил, нодон?
("Мехнаткашлар товуши", 1919, 1 октябрь)

Шўро замонида баъзи бир адабиётшунослар бу шеърларни совет поэзиясининг намунаси сифатида талкин килиб келдилар. Бирок унинг мазмунидан кўриниб турибдики, унда шўровий белгилар эмас, жадидлар карашларига якин масалалар, яъни жаҳолат ва нодонликни рад этиш, асрий уйкудан уйгониб, "бошка даврон, бошка замон"да жавлон уришга чакирик мавжуд.

Янги шеъриятда бадиий шакл соҳасида хам жиддий изланишлар давом этган. Унда анъанавий шакллар — газал, мурабба, мухаммаслардан кенг фойдаланилган бўлса-да, улар билан бир каторда бармок вазнидаги жанрларга хам кенг мурожаат килинган. Айни чогда айрим шоирлар аruz имкониятларини кенгайтириш йўлларини хам излаганлар. Бунда улар шеърга ярим мутойиба охангларини хам олиб кирганлар. Бу ўринда шоир Таваллонинг бир тажрибаси диккатни жалб киласди. Тавалло — инкилобдан аввал маданий-маиший хаётни тубдан янгилаш тарафдори сифатида кўринган ва "Равнак ул-ислом" каби бакувват шеърий тўпламларнинг муаллифи тарзида танилган эди. Инкилобдан кейин у янги матбуот органларида хизмат килди, лекин ижодининг мохиятига кўра жадидлик мавкеини саклаб колди. У кўпроқ хажвий характердаги шеърлар битди, айрим шеърларида эса жуда зўр муваффакият билан янги тасвирий имкониятлар излади. Масалан, классик адабиётда ширу шакар деган жанр мавжуд. Бунда шеър бир вактнинг ўзида икки тилда — кўпинча форсча ва ўзбекча ёзилади. Тавалло Хамза тажрибасини давом эттириб газални ўзбек ва рус тилида ёзади. Бунинг кийинлиги шундаки, рус тили ўзининг фонетик хусусиятларига кўра аruz конунларига бўйсунмайдиган тиллардан. Аммо Тавалло бу кийинчиликнинг уддасидан чика олган. Таваллонинг "Вот шеър" деб аталган хазил шеъри "Муштум" журналига мурожаат шаклида ёзилган бўлиб, шу журналнинг 1928 йил 3-сонида босилган:

"Муштум" чирогим, сўйлачи: как ти поживаешь?
Хар кимни сўкиб сам себе душман наживаешь.
Текканга тегиб, тегмаса шутишь, почему так?
Хуллас, жим ўтири, мунча всегда задеваешь.
Если попадет сенга бирор мулла килурсан,
Хар кандай асов бўлса-да узда надеваешь.
Бир кун чикасан черньш кийиб, эртага бошка,
Откуда чопон хафтада турли надеваешь?
Хеч бир сожалеть этма, ёзиб тур нима кўрсанг,
Иначе бугун вакти ганиматни теряешь.
Майли, хорошо, разний киликларни ёзиб тур,
Бизлар биламиз, везде, всюду бъшаешь.
Вот энди бугун ман ёзаман, сан смотри,
Сен дела мани "Магзава" тездан забъшаешь.

Албатта, бундай шеърлар адабиёт ривожининг катта йўлига унча дахлдор бўлмаса-да, адабиёт рангларини турфа хил килиши, жилоларини кўпайтириши, жозибасини ошириши билан характерлидир.

Жадид поэзиясининг 20-йиллардаги равнаки, албатта, Абдулхамид Сулаймон Чўлпон номи билан бўгликдир. 20-йилларда у "Уйгониш", "Булоклар", "Тонг сирлари" деган китобларини эълон килди. Унинг кўпгина шеърлари "Ўзбек ёш шоирлари" тўпламида, "Адабий парчалар", "Гўзал ёзгичлар" каби китобларда чоп этилди ва улар ўзбек шеъриятининг гултожи бўлиб колди. Лекин бу шеърлар совет руҳидан мутлако узок эди, аксинча, улар жуда ошкора тарзда аксилшўравий оханглар билан сугорилган шеърлар эди. Чўлпоннинг 20-йилларда яратган шеърлари инкилобдан аввалги жадид шеъриятидан тубдан фарқ килади. Бу шеърият курук насиҳатдан, ялангоч дидактикадан бутунлай узок, энди унда инсон хаётининг энг асосий муаммолари — хаёт-мамот масалалари кўтарилади. 20-йиллардаги Чўлпон шеъриятининг бош масаласи — инсон эрки, миллатнинг озодлиги масаласидир. Шоир эҳтиросли ёник калб билан мустамлака кишанларига карши бош кўтаради, инсонни тахкирловчи, оёқ остида кўрувчи "афандиларни" коралайди. Унинг шеърларида жуда зўр гууррга эга бўлган, камчилар ва кишанлар зулми остида иродасини, эркка ташналигини йўқотмаган инсоннинг калби уриб туради. Шоир кишанлар билан дўстлашган ва шунинг учун сустлашган юракка мурожаат килади, уни магрур бўлишга, кишан киймасликка, бўйин эгмасликка чакиради, чунки шоир хар кандай инсонийликнинг бирламчи шарти деб эркинликни билади:

Бўйин эгма, кишан кийма!

Ки, сен хур тугилгансен.

Чўлпоннинг 20-йиллардаги шеърияти том маънода озодлик кўшиклари даражасига кўтарилиди — бу кўшиклар миллат калбидаги милтираб ётган эркинлик чўгларини алангалантириди. Миллатнинг бўйининг анча ўсишига, кадди-коматини ростлашига ёрдам берди. Шунинг учун хам шўролар хукумати бу шоирни кўра олмади, унинг атрофида мафкуравий ур-йикитлар уюштириб, овозини ўчиришга харакат килди. Шу тарзда

20-йилларда Чўлпон яратган шеъриятни хеч иккиланмай янги боскичдаги жадид шеърияти деб атаса бўлади.

20-йилларда жадид драматургияси хам жуда самарали тарзда дадил кадамлар билан ривожланди. Янги пайдо бўлган ўнлаб драматик асарлар миллий театрнинг мислсиз ривожини вужудга келтирди ва бу икки холат бирлашиб, 20-йиллардаги маънавий хаётнинг узвий кисмига айланди.

20-йилларда жадид драматургиясининг энг фаол, энг атокли намояндалари Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Сулаймон Чўлпон ва Хамза Хакимзодалар бўлган эди.

Абдурауф Фитрат киска муддат ичida "Темур саганаси", "Абулфайзон", "Чин севиш", "Хинд ихтилочилари", "Арслон", "Зоҳоки морон" каби фожиа ва драмалар яратди.

Буларнинг хаммаси ўша йилларда ўзбек сахнасида муваффакият билан кўйилди.

Табиийки, бу асарлар хам Фитратнинг публицистикаси каби, биринчи навбатда, аксил мустамлакачилик руҳи билан сугорилган эди. Фитрат ўтмишга мурожаат килади, буюк сохибкирон Амир Темур образини яратади, уни ўз юртининг фаровонлиги, мустакиллиги, яхлитлиги учун курашган, маданият ва маънавиятни юксалтиришга, адабиёт ва санъат ривожига катта ахамият берган давлат арбоби сифатида кўрсатади.

20-йилларнинг бошидаёқ сахнага кўйилган "Чин севиш" драмасида ва кескинрок яратилган "Хинд ихтилолчилари" драмасида кўшни хинд халкининг такдири тимсолида мустамлака сиёсатининг даҳшатини очади ва эрк учун, мустакиллик учун курашган одамларни том маънода идеал қаҳрамонлар тарзида кўрсатади. Фитратнинг бу асарлари айрим бадиий кусурлардан холи бўлмаса-да, миллат такдири учун куйиб-ёниб ёзилган асарлар сифатида донг козонди. Худди шу сифатлари учун бу асарларни шўро мағкураси кабул килмади ва биринчи кадамларданок уларни муттасил коралаш билан шугулланди.

Жадид драматургиясининг ривожига Чўлпон хам салмокли хисса кўшди. Бу жихатдан, айникса, унинг 20-йиллардаёқ сахнага кўйилган "Ёркиной" драмаси диккатга сазовор.

Бунда хам Чўлпон ўзининг шу йил-лардаги эътиқодидан келиб чикади — у инсон хаётининг мохияти хакида ўйлар экан, инсон учун энг ардокли кадрият сифатида, хатто мухаббатдан хам юкори турадиган омил сифатида эрк ва адолатни тасдиклайди. Драма қаҳрамони Пўлат вазирнинг кизи Ёркинойни севади, лекин зарур бўлса адолат учун кураш йўлида у хузур-халоватидан, фарогатидан, мухаббатидан хам воз кечади.

Хаётдаги адолатсизликка, зулмга карши кураш, адолат, инсоф ва диёнатни тасдиклаш Пўлат учун энг улуг аъмолдир. "Ёркиной" драмаси сахнага кўйилган кезларда Туркистанда, Фаргона водийсида ва ўлкамизнинг яна бошка кўпгина жойларида фукаролар уруши давом этмоқда эди ва бу жараёнда хар кадамда, хар сонияда юзлаб, минглаб зўравонликлар, адолатсизликлар, катлиомлар содир бўлмоқда эди. Бошкacha айтганда, зулм олови гувиллаб ёнмоқда эди. Шундай шароитда "Ёркиной" драмаси катта ахамиятга эга бўлди.

20-йилларда Хамза хам жадидона руҳдаги драмалар яратди. Булар "Қаҳрамон ўғиз", "Фаргона фожиалари", "Мухторият" каби асарлардир. Улар мазмунан шўро адабиётининг колипларига тўғри келмайди, шунинг учун шўро адабиётшунослиги бу асарларга кам ахамият берди, уларни гоявий чалкашлиқда, ўтмишни идеаллаштиришда айблаб, шу билан тахлилни муҳтасар килиб кетаверди. Бошкacha бўлиши хам мумкин эмас эди, негаки объектив тахлил давом эттирилса, Хамзанинг совет адабиётининг асосчиси тарзидаги образига дод тушиб коларди.

Бу ўринда яна шуни таъкидлаш керакки, Хамзанинг "Тухматчилар жазоси", "Ким тўгри?", "Майсаранинг иши", "Холисхон" каби машхур асарларини хам совет драматургиясининг эмас, жадид драматургиясининг намуналари деб караган маъкул, чунки уларда хам социалистик реализмни ташкил килувчи бирон белгини кўрмаймиз — драматург хаёт ходисаларини холислик билан атрофлича тасвирлайди, зўрма-зўраки ва сунъий характерлар яратмайди, инсонни инсоний жозибадан маҳрум килувчи синфий сифатларга ва характеристикаларга мурожаат килмайди.

Кўринадики, 20-йилларда жадид драматургияси кенг кўламда катта кадамлар билан ривож топди. Энди вазифа публицистика, шеърият каби унинг хам жамики хусусиятларини атрофлича тадқик килишдир.

Энди наср масаласини кўриб чикайлик — 20-йилларда жадид насли хам жуда тез суратлар билан ўсди ва жаҳон миёсидағи етук наср даражасига кўтарилиди. Юкорида эслатганимиздек, унинг ривожи адиб Абдулла Кодирийнинг номи билан боғлик. 1920 йилдан бошлаб у "Ўткан кунлар" романини эълон кила бошлади.

20-йиллар ўртасига келганда роман алоҳида китоб бўлиб чиқди. Кейин кўп ўтмай "Мехробдан чаён" эълон килинди. Бу икки роман ўзбекларнинг маданий хаётида катта воеа бўлди ва халк маънавиятининг ривожига катта хисса кўшди. Савол тугилиши мумкин — нега сиз "Ўткан кунлар"ни совет адабиёти намуналарига кўшмаяпсиз? Умуман, асарларни жадид ёхуд совет адабиёти намуналарига ажратганда кандай меъёрга асосланяпсиз? Асарларнинг кайси сифатларига таяняпсиз? Бу ўринда факат битта меъёр бор — совет адабиётига мансуб асарларда муаллиф вокеликни акс эттиришда синфий нуктаи назарга асосланади, у нимани тасвирламасин, хар гал, албатта, воеаларни, одамларни "пролетар синфи"нинг манфаатларидан келиб чиқиб баҳолайди. Бунинг окибатида тасвирда торлик пайдо бўлади, асарда факат икки хил ранг — ок ва кора устун бўлиб колади, бошка рангларнинг роли йўколади, асарда инсоний жозиба сусаяди, схематизм биринчи ўринга чика бошлайди. Жадид адабиётида эса ундаи эмас. Бу адабиёт вакиллари кайси жанрда ижод килишларидан катъи назар вокеликка умумбашарий категориялар нуктаи назаридан ёндошади, бу эса маънавий ва бадиий жихатдан етук асарлар яратишга имкон беради. Шунинг учун хам китобхон "Ўткан кунлар"ни ўқир экан, Отабекнинг савдогар бўлганидан эмас, умумбашарий идеалларни ўзида мужассам этганидан завк олади.

Энди юкорида айтилганлардан баъзи хulosалар чиқарайлик:

- 1) XX аср бошида майдонга келган жадид адабиёти Октябрь тўнтаришидан кейин ўз-ўзидан гойиб бўлиб кетгани йўқ, аксинча, у янги тарихий шароитда шўроларнинг таъкиб ва тазикига карамай ўсишда давом этди.
- 2) Жадид адабиёти 20-йилларда ўз ривожининг анча баркамол даражасига етди. Бу адабиёт — кўп жанрли, мазмунан янгиланган, умуминсоний кадри-ятларни тараннум этувчи, айникса, эрк ва озодлик, адолат ва виждонийлик гояларини олга сурувчи адабиёт бўлди. 20-йиллар сўнгига большевиклар амалга оширган мафкура соҳасидаги кескин кураш, пролетар адабиётининг гегемонлиги учун кураш, нопролетар ёзувчиларига нисбатан кўлланган репрессив чоралар жадид адабиётининг бемалол ривожи учун хамма имкониятларга бархам берилган эди. Шунинг учун 30-йилларда Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романидан бошка жадид адабиёти намунаси деб кўрсатишга арзийдиган асар майдонга келмади.
- 3) 20-йиллардаги жадид адабиёти изсиз йўқ бўлиб кетмади. Масаланинг пародоксал

томони шундаки, шўролар томонидан кораланган ва таъкиб килинган жадид адабиёти 20-йилларнинг ўрталарида янги пайдо бўлаётган ўзбек совет адабиёти учун замин бўлиб хизмат килди. Гафур Гулом, Ойбек, Гайратий, Миртемир, Абдулла Каххор, Хамид Олимжон каби навкирон авлодга мансуб ёзувчилар жадидларни мафкура жихатидан ошкора ёктириласалар-да, улардан санъатнинг мохиятини тушунишда, маҳорат сирларини эгаллашда кўп нарса ўргандилар.

Озод Шарафидинов. 1996